

## ТАРИХ ИЛМИНИНГ ДАРҒАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7074461>

**Ҳ. Тўраев**

*Бухоро давлат университети профессори,*

*Тарих фанлари доктори*

**С. Ражабов**

*Бухоро давлат педагогика*

*институтининг ижтимоий*

*фанлар кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада тарихшунос олим академик Бўрибой Аҳмедов тадқиқотларида учрайдиган Бухоро тарихига оид маълумотлар таҳлил этилган. Олим илмий меъросининг Бухоро тарихи билан боғлиқ қисми тарихий манбаларни чуқур таҳлил этиш орқали яратилгани ва ушбу маълумотларнинг юқори илмий қийматга эга эканлиги ёритиб берилган.

**Аннотация:** В данной статье анализируются данные по истории Бухары, которые содержатся в исследовании ученого-историографа академика Бурибая Ахмедова. Часть научной работы ученого, связанная с историей Бухары, была создана на основе глубокого анализа исторических источников, и очевидно, что эта информация имеет высокую научную ценность.

**Abstract:** The article analyzes information on the history of Bukhara found in the research of Academician Boribai Akhmedov. Part of the scientific heritage of the scientist, related to the history of Bukhara was created through an in-depth analysis of historical sources, and it is explained that this information has a high scientific value.

**Калит сўзлар:** Бухоро, Б. Аҳмедов, Жўйбор шайхлари, “Баҳр ул асрор”, “Шайбонийнома”, сарой маросимлари, турк-мўғул, тарихий манбалар.

**Ключевые слова:** Бухара, Б. Ахмедов, джойборские шейхи, «Бахр ул асрор», «Шайбанинома», придворные церемонии, тюрко-монголы, исторические источники.

**Keywords:** Bukhara, B. Ahmedov, Dzhoybor sheikhs, "Bahr ul asror", "Shaybaninoma", court ceremonies, Turko-Mongol, historical sources.

Миллатнинг буюк намояндалари тўғрисида гап кетганда, биз кўпроқ узок ўтмишдаги илм-фан дарғаларининг номини тилга олишни ва уларнинг илмий меросини намуна қилиб кўрсатишни маъқул топамиз. Дарҳақиқат, дунё бизни шулар орқали танийди, эътироф этади. Бироқ, кейинги даврларда, айниқса, XX асрга теран нигоҳ ташласак, миллатимиз орасидан дунёга таниқли қанчадан – қанча илм-фан, адабиёт, санъат намояндалари етишиб чиққанининг гувоҳи бўламиз. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Қори Ниёзий, Яҳё Гуломов, Иброҳим Мўминов, Обид Содиқов, Рўзи Чориев ва бошқалар. Булар сафидан атоқли тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедов ҳам муносиб жой олган. У миллат фахрига айланган олим.

Тарих илм-соҳасига ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келган Бўрибой Аҳмедов (1924-2002) ўзбек халқининг этник тарихи, манбашунослик, ватанимизнинг X – XIX асрлар тарихи масалаларини ёзма манбалар асосида фундаментал тадқиқ қилган ҳассос олимдир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров ўзининг матбуотдаги чиқишларидан бирида Бўрибой Аҳмедовни “Ўзбекларнинг Бартольди” деб таърифлаган эди. Бундай таъриф академик олим Бўрибой Аҳмедовга тўла мос келади. Чунки Бартольд Ўрта Осиё тарихини қанчалик кенг диапазонда ўрганган бўлса, Бўрибой Аҳмедовнинг тадқиқотлари ҳам шунчалик кенг қамровли, бақувват илмий асосга эга.

Серқирра ижод соҳибининг ўзбек халқи келиб чиқиши масаласини кўп сонли кўлэзма манбалар асосида назарий жиҳатдан ўрганишга кўшган ҳиссаси тўғрисида бир оз тўхталмоқчимиз. Таъкидлаш жоизки, ушбу масала моҳиятан мураккаб, сиёсий-мафкуравий томонлар билан боғлиқлиги боис ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Мавзуга XX асрнинг 20-йилларида Миён Бузрук, Пўлат Солиев каби ўз даврининг атоқли намояндалари, маърифатпарварлар кўл уришган ва айнан шу мавзу уларни миллатчиликда айбланишига ва охир оқибат катағонга учрашига сабаб бўлган эди. Улар амалга оширган дастлабки тадқиқотларни мавзуга кириш, унинг дебочаси деб аташ мумкин. Ўзбек халқининг этник тарихи юзасидан бошланган илмий тадқиқотларни юксак даражада поёнига етказган олим Бўрибой Аҳмедовдир.

Унинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидан”, “Государство кочевых узбеков”, “Ўзбек улуси” каби асарлари ўзбеклар тарихига бағишланган фундаментал тадқиқот ҳисобланади. Олимни кенг илмий жамоатчиликка танитган “Государство кочевых узбеков” асари 1965-йил Москвада “Наука” нашриётида чоп этилди. Собиқ совет даврида ўз халқининг ҳаққоний тарихи, унинг қадимийлиги ва бой маданияти тўғрисида дадил ёзиш, кўлэзма манбаларга суянган ҳолда асосли илмий фикрларни илгари суриш жасорат эди. Асарнинг салкам ўттиз йилдан кейин, Мустақиллик йилларида “Ўзбек улуси” номи билан тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилиши, унга бўлган илмий-маърифий эҳтиёжнинг сўнмаганидан далолат беради. Айниқса, Мустақиллик йилларида асарга бўлган қизиқиш ва талаб янада ортди.

Алоҳида олинган бир давлатнинг, унинг ташкил топиш жараёнидан инқирозигача бўлган даврдаги ички ва ташқи ҳаёти, ижтимоий-сиёсий муносабатлари, иқтисодини яхлит ҳолда тадқиқ қилишга ҳар қандай тадқиқотчи ҳам журъат қилавермайди. Бўрибой Аҳмедовнинг ушбу тадқиқоти айнан шу йўналишда амалга оширилган. Унда Абулхайрхон даврида ташкил топган ўзбеклар давлатининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, давлат

бошқаруви, солиқ тизими, савдо-сотиқ муносабатлари, теурийлар билан алоқалари масалалари кенг ёритиб берилган. Илмий адабиётларда ҳукмрон бўлган Абулхайрхон тузган давлатда аҳолининг фақат кўчманчи чорвачилик билан шуғуллангани тўғрисидаги фикрларга муқобил равишда Бўрибой Аҳмедов ушбу давлатда аҳоли кўчманчи чорвачилик билан бирга, ўтрок деҳқончилик ва ҳатто ҳунармандчилик билан машғул бўлганини инкор этиб бўлмас далиллар билан исботлаб берди.

Олимнинг узоқ йиллар олиб борган илмий изланишлари маҳсули сифатида 1982-йил нашр этилган “История Балха” (Балх тарихи) номли йирик асари нафақат республикамиз, балки дунё илмий жамоатчилиги томонидан илиқ кутиб олинди. Камина, яъни биз шогирд, бир бор устознинг Себзордаги уйларида бўлганимда, уларнинг рухсатлари билан ушбу асарнинг қўлёзма нусхасини кўришга муяссар бўлдим. Ёзув машинкасида терилган асар салкам минг саҳифадан иборат бўлиб, қарийб тўртта докторлик диссертацияси ҳажмига тенг эди. Қўлёзманинг қисқартирилган варианты алоҳида китоб ҳолда нашр қилинган. Китобнинг муҳокамаси ва нашрга тавсия қилиш жараёнларининг бир қисми шарқшунослик илмида қилни қирқ ёрадиган олимлар фаолият кўрсатган Ленинград (Санкт Петербург) Давлат университетининг (ЛГУ) Шарқ факультетида бўлиб ўтган. Китобда Балх хонлигининг ташкил топиши ва унинг XVI- XVIII асрлардаги сиёсий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, давлат тузуми, ер эгалиги, солиқ ва мажбуриятлар, аҳолиси ва машғулотлари, Балх хонлигининг Ҳиндистон, Эрон, Россия билан муносабатлари каби масалалар чуқур тадқиқ қилинган.

Бухоро хонлиги масалаларини, айниқса хонлик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида юксак мавқега эга бўлган Жўйбор хожалари тарихини ўз ичига олган Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ар-ризвон”, Абулаббос Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин” асарлари устида жиддий тадқиқот олиб

борган олимлардан бири Бўрибой Аҳмедовдир. Олимнинг бу борадаги тадқиқот натижалари Москвадаги нуфузли тўпламларда нашр этилган.

Атоқли муаррих академик Бўрибой Аҳмедов мамлакатимиз темуршунослиги ривожига бекиёс ҳисса қўшган йирик олим ҳисобланади. Амир Темур меросини қўлёзма манбалар асосида машаққатли меҳнат, чексиз сабр, букилмас матонат билан ўрганиб, уни халқимизнинг маънавий мулкига айлантирган бу олим хизматларини бугунги авлод унутмаслиги керак.

Мустақиллик даври ва шу давр маҳсули бўлмиш Амир Темур мавзуси Бўрибой Аҳмедов ҳаётида янги саҳифа очиб, унга иккинчи умр бағишлади. Собиқ совет даврида замона зайли билан панада қолиб кетган, қизиқиш доирасидан четлашган, ҳатто чекловларга дучор қилинган темуршунослик Мустақиллик йилларида Бўрибой Аҳмедов сиймосида юз кўрсатди, илмий сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Амир Темур шахси халққа қайтарилди. Республика Амир Темур жамиятининг таъсис этилиши ва унинг негизида кейинчалик Амир Темур халқаро жамғармасининг ташкил қилиниши бевосита Бўрибой Аҳмедов номи билан боғлиқ.

Амир Темур тўғрисида эълон қилинган мақола ва рисоалар тўғрисида гап кетганда, Бўрибой Аҳмедовнинг илмий фаоллигини алоҳида қайд қилмоқ даркор. Айниқса, олимнинг “Мулоқот” журналининг бир неча сониди босилган “Амир Темурга мактублар” номли туркум мақолалари Амир Темур тўғрисидаги ҳақиқатни оммабоп, халқчил, ўзига хос услубда баён қилишга хизмат қилувчи нашр бўлди. Унда олим Амир Темур мавзусида эълон қилинаётган баъзи бўш мақолаларга танқид кўзи билан қарайди, фикри ожизимизни ислоҳ қилишга тиришади, “чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин” нақлига амал қилишга чақиради. Амир Темур мавзуси, унга қўл урган тадқиқотчи зиммасига катта илмий маъсулият юклашини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Бўрибой Аҳмедов таҳрири ва Алихон Соғуний ҳамда шарқшунос Ҳабибулло Кароматов таржималари остида 1991-йил нашр қилинган “Темур тузуклари” мамлакатимизда илмий темуршуносликнинг шаклланиши ва ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатди ва илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди Олим томонидан унга ёзилган кенг сўзбоши ихчам тадқиқот ҳисобланиб, Бўрибой Аҳмедовнинг кучли илмий салоҳиятидан дарак беради. Ушбу сўзбоши ҳамон ўз илмий қимматини сақлаб келмоқда. “Тузуклар”нинг кейинги нашрларида негадир мазкур сўзбошини учратмаймиз. Шу сўзбоши орқали биз “Темур тузуклари”нинг жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан қай даражада ўрганилганлиги ва унга берилган холис баҳо, “Тузуклар”нинг Амир Темур тарихини ўрганишдаги ўрни хусусида билиб оламиз. Бу асар бир неча бор, ҳатто олим вафотидан салкам йигирма йил ўтгандан кейин ҳам қайта нашр қилинди. Асар Амир Темур меросини талаба ёшлар, ўқувчилар томонидан ўрганиш учун ҳанузгача энг ихчам қўлланма ҳисобланади.

Олим томонидан эълон қилинган “Амир Темур ўғитлари”, “Амир Темур дарслари” каби ўқув қўлланмалар Амир Темур меросини ўқувчи ёшлар, айниқса мактаб ўқувчилари ўртасида тарғиб қилиш учун қулай восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бўрибой Аҳмедовнинг Амир Темур меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ва уни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришдаги буюк хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидан баҳс юритувчи “Абдулланомма” асарининг ўзбек тилида тўла нашр этилишида Бўрибой Аҳмедовнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор. Асарнинг Содиқ Мирзаев, Юнусжон Ҳакимжонов томонидан ўзбек тилига ўгирилган нусхасини нашрга тайёрлаш, сўзбоши, шунингдек, тарихий, жуғрофий атамалар ва айрим ҳодисаларга шарҳ ёзишдек масъулиятли ва

мушкул вазифа Бўрибой Аҳмедов зиммасига тушди. “Абдулланом”нинг иккала таржимонига ҳам асарнинг Мустақиллик йилларида Бўрибой Аҳмедов томонидан амалга оширилган тўлиқ нашрини кўриш насиб этмаган бўлса-да, ушбу нашр орқали уларнинг хизматлари халқимизнинг илмий-маърифий мулкига айланди ва таржимонларнинг номлари тарих саҳифаларига қайта муҳрланди.

Бўрибой Аҳмедов ижодини безаб турадиган жиҳатлардан бири унинг таржима асарларга кенгайтирилган илмий шарҳлар ёзиш ҳисобланади. Зеро, шарҳ – бу ўзига хос тадқиқотдир. Дарвоқе, Бўрибой Аҳмедовнинг ўзи ҳам тарихий, адабий манбаларнинг моҳир таржимони эди. Маҳмуд ибн Валининг “Баҳрул асрор” (Сирлар денгизи) асари география қисмининг рус тилига қилинган илмий-изоҳли, академик таржимаси Бўрибой Аҳмедовга тегишли. Адабий тазкиралар сирасига кирувчи Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарининг ўзбек тилидаги изоҳли таржимасини ҳам Бўрибой Аҳмедов амалга оширган. Асар матнига олим томонидан ёзилган 174 изоҳ орқали ўрта асрларнинг адабий муҳити ва тарихий жараёнларидан воқиф бўламиз.

Академик Бўрибой Аҳмедов ўз илмий мактабини яратиб кетган олим. Унинг илмий мактаби намояндалари нафақат мамалакатимиз, балки хорижда ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Қозоғистонлик шарқшунос Тимур Бейсембиев (унга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин) Бўрибой Аҳмедов мактабида шаклланиб, дунё таниган ва тан олган олимга айланди. Қўқон хонлиги тарихи бўйича яратган илмий асарлари жаҳон илмий жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлди. АҚШнинг Индиана университети профессори, таниқли шарқшунос Девин Девис Бўрибой Аҳмедовнинг шогирди. У ўтган асрнинг 80-йилларида устоз раҳбарлиги остида ватанимизнинг ўрта асрлар тарихи, бирламчи манбалари, агиографик адабиёт намуналари устида сермахсул тадқиқотлар олиб борди.

Бу мактаб вакиллари устознинг ишларини давом эттириб, бугунги кунда мамлакатимиз тарих фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аҳмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. “Фан”. Т. 1967. 86 б.
2. Аҳмедов Б. История Балха. “Фан”. Т. 1982. 240 ст.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. “Ўқитувчи”. Т. 1994. 430 б.
4. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. “Шарқ”. Т. 1999.
5. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. «Фан»-Т. 1977 г.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 2000.
7. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. “Фан”. Т. 1969. 11-сон.
8. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. “Фан”. Т. 2005. 3-4-сон.
9. Тўраев Ҳ. “Бухорони Балхга алмаштириш воқеаси ва хўжа Ислон Жўйборий”. “Бухоро мавжлари” журнали.
10. Ramazonov, J. J. (2021). The role of self-governance in providing personal perfection. Scientific progress, 2(2), 1075-1078.
11. Ramazonov, J. (2021). Reflexive Mechanism-As The Main Form Of Controlling Students' Psychological Conditions. Центр Научных Публикаций (buxdu. uz), 7(7).